

АСАРЛАР СЎЗЛАШГАНДА...

Кечга томон **“уфқ”, “соҳил ёқалаб чопаетган олапар”** сингари, **“қулаётган тоғлар”** ортига ёнбошлай бошлади. Табиатнинг инжиқ **“кеча ва кундуз”**лари, **“ўтган кунлар”**ни ёдга солаверади, солаверади. Қанча уринмай, **“ўксик диллар фарёди”** ўғирланган **“ҳаловат”**имни қайтара олмаяпти. Шифтга илинган **“биллур қандиллар”, “оқ булут, оппоқ булутлар”** сингари зулмат қоплаган хонамга илиқлик олиб киргандек гўё.

“Дунёниг ишлари”ни қаранг. **“Қил устидага тақдир”**имни ўз қўлим билан **“дўзах”** қарига улоқтиряпман. Билибми ё билмай **“муҳаббат тилсими”**нинг **“қора қаср асираси”**га айландим-у, **“Чўлпон”** юлдуз сингари порлаб турган бу ҳисга мубтало бўлдим қолдим. **“Телба”** ҳаёлларим тумандай тарқаб кетди.

“Кеч куз” кунларининг бирида, оёқларим остидаги **“ола-чипор тошлар”**ни ўйнаганча уни кута бошладим. Атрофга қарайман. **“Жимжмтлик.”** Қоронғулик қуёшнинг сўнги нурларини **“қамал”** қила бошлади. Ниҳоят у кўринди. Беихтиёр юрагим шундай деб ура бошлади:

“Азизим”, бугун яна келдим. Сабаби, **“кўзларингни кўргим келди.”** **“Севгим, севгилим”,** бу **“мардимайдон”** ичра ёлғиз қолмоқликни ўйласам, юрагимни **“минг бир кеча”** каламуш кемиргани каби зирқираб оғрийди. Афсуски, буни билмаслигингни биламан. **“Қор қўйнида лола”** унмагани каби, сенинг тош қалбингда ҳам муҳаббатга ўрин йўқ. Қўлларингда турган **“бой берилган жаннат гуллари”** билмадим бугун кимнинг кўнглини шод айлайди.

“От кишнаган оқшом”ларда деразадан илҳақ кўкка боқаман. Юлдузлар сендан олиб келган **“оқшом хабврлари”, “одам қиёфасидаги бўрилар”** сингари ҳар томондан талай бошлайди. Рост, улар алдамайди. Чунки **“юлдузлар мангу ёнади.”** Шунда мен **“мувозанат”**ини йўқотган қуш сингари **“икки эшик ораси”**да қолиб кетаман. **“Ёлғизликнинг юз йили”**ни бахтиёр ўтказган бир кунимга ҳеч иккиланмай тортиқ қилар эдим. Мана шу

лаҳзалар мен учун **“асрга татигулик кун”**дек гўё. **“Ушшоқ”** қалбларимиз **“тасбех”** сингари дунё синоатида айлангани айланган. Муҳаббат ҳам илм. Уни ўрганмоқ керак. **“Абадият қонуни”** шу: **“Туғилдингми бу дунёда толибсан.”** Сенга бу сўзларни айтолмайман. Чунки **“хаё – ҳалоскор.”**

Хира ой нурида ёнимда турган шарпани сезаман. Ахир бу ўзимнинг соям-ку! Ҳа, **“нур борки, соя бор.”** **“Фарғона тонг отгунчан”** **“чўли ироқ”** наволарига маст бўлиб уйғонади. Мен эса **“самовий ишқ”** **“гирдоб”**ида **“жазирамадаги одамлар”** сингари қовжираб боряпман. **“Дахшат”**, атрофимдан **“қон хиди”** аримайди. **“Меҳробдан чиққан чаён”** каби юрагимга ўрмалаб кирган бу туйғуларни **“ўлик руҳлар”** ўз комига торта бошлади. Йўқ, **“муҳаббат ўлимдан кучли.”**

“Дафтар хошиясидаги битиклар”га кўз ташлар эканман, **“тушда кечган умрлар”**им бир-бир кўз олдимдан ўтади. **“Минг бир жон”**ни ҳовучлаб, **“сўнги бекат”** томон йўл оламан. **“Ойдинда юрган одамлар”** менга ҳайрат билан боқишади.

Юрагимда пайдо бўлган **“зилзила”** **“қиёмат”**дан дарак беряпти. **“Ўлим ҳеч нарса эмас.”** Аммо қалбингдаги муҳаббатни суғуриб олмай туриб, **“бу дунёда ўлиб бўлмайди.”**

Maxsuma OQQO'ZIYEVA